# БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ

## 1985 ЙИЛДА СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорларини бажара бориб ва КПССнинг XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, йил бошида йўл қўйилган қолоқликни бартараф этдилар, ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини оширишга, ишнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга эришдилар. Халқнинг фаровонлиги ошди.

Ўтган йили мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий якунлари қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

| | 1985 йилда 1984 йилга нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|
| Истеъмол ва жамғарма учун фойдаланилган миллий даромад | 103,1 |
| Саноат маҳсулоти — жами | 103,9 |
| шу жумладан: | |
| Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш | 103,9 |
| Истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш | 103,9 |
| Қишлоқ хўжалик маҳсулоти | 100 |
| Транспорт барча турларининг юк обороти | 101,6 |
| Асосий фондларни ишга тушириш | 100,7 |
| Капитал маблағ сарфлаш | 103 |
| Ишчилар ва хизматчиларнинг сони | 100,6 |
| Меҳнат унумдорлиги: | |
| Саноатда | 103,5 |
| Қишлоқ хўжалигида (жамоат ишлаб чиқаришида) | 101,4 |
| Қурилишда | 102,3 |
| Темир йўл транспортида | 103,0 |
| Халқ хўжалигидаги фойда | 105,8 |
| Аҳоли жон бошига реал даромадлар | 102,5 |
| Халқ хўжалигидаги иш ҳақи фонди | 103,4 |
| Ишчи ва хизматчиларнинг пул билан олган ўртача иш ҳақи | 102,8 |
| Колхозларнинг жамоат хўжалигида колхозчиларнинг меҳнатига тўланган ҳақ | 103,6 |
| Аҳолига ижтимоий истеъмол фондларидан берилган тўловлар ва имтиёзлар: | |
| жами | 104,1 |
| Аҳоли жон бошига | 103,1 |
| Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти | 104,2 |
| Аҳолига кўрсатилган маиший хизмат ҳажми | 106,1 |
| Фойдаланиш учун топширилган жами уй-жой бинолари саҳни | 100,5 |
| Ташқи савдо обороти | 101 |

Истеъмол ва жамғарма учун фойдаланилган **миллий даромад** (амалдаги нархларда) 567 миллиард сўмни ташкил этди.

**Саноат маҳсулоти** 808 миллиард сўмга етди; **қишлоқ хўжалиги** маҳсулоти (1983 йилги нархларда) 208 миллиард сўмга етди. 171 миллиард сўмликдан ортиқ қийматдаги **асосий фондлар** ишга туширилди.

Экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказишни жадаллаштиришга қаратилган бир қанча катта тадбирлар амалга оширилди.

Ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари ўсди. Шу асосда миллий даромаднинг 96 процент ўсиши таъминланди. Ижтимоий маҳсулотга материал сарфи камайтирилди. Бу эса 3 миллиард сўмлик хом ашё, материал, ёқилғи, энергия ва бошқа меҳнат предметларини тежаш имконини берди. Миллий даромадга энергия сарфи бир процент, металл сарфи 2,4 процент камайтирилди. Халқ хўжалигининг ёқилғи ва энергияга талаби ўсишининг қарийб ярми ёқилғи ва энергияни тежаш ҳисобига, қора металлар прокатида эса, ана шу эҳтиёж тежаш ҳисобига 40 процентдан зиёд таъминланди.

**Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача йиллик** сони 117,5 миллион кишини, **колхозчиларнинг** ўртача йиллик сони (жамоат-хўжалиги) 12,8 миллион кишини ташкил этди. Ўтган йиллардаги каби меҳнатга қобилиятли аҳоли иш билан тўла таъминланди.

Ўтган йили ишлаб чиқариш коллективларининг меҳнат активлиги юксак даражада бўлди. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формалари янада кенг ёйилди. Иш вақтининг бекор кетиши қисқартирилди, кадрлар қўнимсизлиги камайди.

Халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш давом эттирилди. Саноатда, қишлоқ хўжалигида, транспортда, алоқа ва маиший хизматда хўжалик юритишнинг янги методлари янада кенг ёйилди. Машинасозлик ва агросаноат комплексларини бошқариш системаларини қайта қуриш бошланди.

Умуман халқ хўжалигини ривожлантиришда ижобий якунларга эришиш билан бирга бир қанча тармоқларда асосан хўжалик юритишнинг интенсив методларига суст ўтилганлиги, ташкилотчилик иши зарур даражада эмаслиги сабабли план топшириқларидан жиддий орқада қолишга йўл қўйилди.

**Ташқи савдо** обороти 141 миллиард сўмни ташкил этди. СССР билан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида кўп томонлама ва икки томонлама битимлар асосида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш программаси изчил амалга оширилди. Чет мамлакатлар билан ўзаро фойдали иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик кенгайди. 1985 йилда Совет Иттифоқи чет элларда 770 дан ортиқ саноат корхонаси ва бошқа объектларни қуришда кўмаклашди.

## I. ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга оид тадбирлар амалга оширилди. 14 та илмий кашфиёт рўйхатга олинди, 23 мингтадан ортиқ ихтиро ва 4 миллионта рационализаторлик таклифидан фойдаланилди. Илмий ходимлар сони салкам 1,5 миллион кишини ташкил этди. Юксак самарали техника ва технологияни яратиш ва қўлланишга оид энг муҳим программаларни амалга ошириш давом эттирилди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан биргаликда тадқиқотлар ўтказилди. 2000 йилгача фан-техника тараққиёти комплекс программаси ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқариш ва тайёрланаётган маҳсулотнинг техникавий даражаси оширилди.

Мавжуд корхоналарни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш кўламлари ўсди. Шу мақсадлар учун капитал маблағлар сарфлаш ишлаб чиқариш қурилишидаги маблағ умумий ҳажмининг 37 процентига етди ва 1984 йилга нисбатан 7 процент кўпайди. Шу маблағлар ҳисобига темир руда концентрати, буғ турбиналари, химиявий асбоб-ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, лак ва бўёқлар ишлаб чиқарадиган қувватларнинг асосий ўсиши таъминланди.

**Саноатда** маҳсулотнинг 4 минг турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва тайёрлана бошланди. Машиналар, асбоб-ускуналар, аппаратлар, автоматлаштириш воситалари ва приборлари янги типларининг 3,6 мингта намунаси яратилди. Салкам 8 мингта участка, цех, ишлаб чиқариш комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга ўтказилди. 11 мингдан ортиқ механизациялашган поток, автомат ва ротор линия, 13 мингдан кўпроқ саноат роботи ўрнатилди. Технология жараёнларини бошқаришнинг 775 та автоматлаштирилган системалари яратилди.

Машинасозликда металлни тежайдиган технология жараёнларидан фойдаланиш кенгайтирилди. 193 та ўзгарувчан автоматлаштирилган ишлаб чиқариш системаси жорий этилди. Рақамли программа билан бошқариладиган, металлга ишлов берадиган янги ускуналар, нефть саноати учун блокли автоматлаштирилган буғ генератор қурилмаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Техника-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланган порошокли қопламани плазмали пуркайдиган қурилмалар ва металларга ишлов берадиган лазер қурилмалар, шимолий районларда ишлатишга мўлжалланган магистрал электровозлар тайёрланди. Металлга ишлов беришнинг ўзгарувчан автоматлаштирилган участкалари учун комплект ускуналарни кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Фойдаланиш параметрлари оширилган микро ва мини электрон-ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқариш кенгайтирилди. Бир қанча машиналар ва ускуналарнинг ягона қуввати ва унумдорлиги оширилди.

Ёқилғи-энергетика комплексида атом энергетикаси, очиқ усулда кўмир қазиб олиш ва қатламларга таъсир кўрсатишнинг илғор усулларини қўлланиб, нефть қазиб олиш жадал ривожлантирилди.

Қора металлургияда металл маҳсулотларнинг тежамли турлари —совуқ усулда тайёрланган тунука ва пўлат лента, ғоят аниқ шаклли пўлат, кам лигерланган пўлатдан тайёрланган ва мустаҳкамлаш учун термик ишлов берилган прокат ишлаб чиқариш кўпайди. Узлуксиз қуядиган машиналардан қуйма заготовкалар олиш, печдан ташқари шароитда вакуумлаштирилган, шунингдек инерт газлар билан чўмичда ишлов берилган электр пўлат ва пўлат ишлаб чиқариш ортди.

Химия саноатида асосий параметрлари жиҳатидан табиий каучукнинг ўрнини қоплайдиган стереосозлаш тузилишидаги синтетик каучуклар, термопластлар, истеъмол хусусиятлари яхшиланган синтетик толалар ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ўсди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва уларни тайёрлаш структураси такомиллаштирилди. Қишлоқ хўжалик хомашёсидан комплекс фойдаланишни таъминловчи машиналар ва ускуналарни жорий қилиш давом эттирилди. Олдинги ғилдираги ҳаракатга келтириладиган ВАЗ енгил автомобилларининг дастлабки саноат туркуми ишлаб чиқарилди. «Янгилик» («Н») индекси қўйилган сифати яхшиланган енгил саноат моллари ва ғоят замонавий буюмлар, кассетали видеомагнитофонлар ишлаб чиқариш ўсди. Халқ истеъмоли молларининг умумий ҳажмида олий ва биринчи классли радиоприёмник қурилмалар, рангли тасвирдаги телевизорлар ҳиссаси ортди. Фойдаланиш сифатлари яхшиланган рўзғор холодильниклари ва морозильниклари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида олий сифат категориясидаги саноат маҳсулотининг салмоғи 16.5 процентни ташкил этди.

Саноатда илмий-техникавий тадбирлар амалга оширилиши ҳисобига ишчилар сонини шартли равишда қисқартириш йилига 700 мингдан кўпроқ кишини ташкил этди, маҳсулот таннархини арзонлаштиришдан салкам 4 миллиард сўм иқтисод қилинди.

«Енисей-1200» дон йиғиштириб оладиган комбайнлар, **қишлоқ хўжалик** машиналари ва қуролларининг бошқа турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш даражаси ўсди. Маккажўхори донининг 80 процентга яқини, соя ҳосилининг учдан икки қисми, қанд лавлагининг 70 процентдан кўпроғи индустриал технология асосида ишлов бериладиган майдонлардан йиғиштириб олинди. 1985 йилги кузги дон экинлари ва баҳори буғдой экилган майдонларнинг тўртдан бир қисмидан кўпроғида интенсив технология қўлланилди. Деҳқончиликнинг тупроқ ҳосилдорлигини оширишни таъминлайдиган зона системаларига ўтиш давом эттирилди.

**Транспортда** темир йўл линияларининг электрлаштирилган участкалари 3,1 процент, автоблокировка ва диспетчерлик маркази билан жиҳозланган участкалар 1,9 процент узайтирилди. Оғир юк ташийдиган ва узун составли поездларда юк ташиш кенгайтирилди. Юк ташийдиган поезднинг ўртача вазни 3 минг тоннадан ошди. Дарё транспортида юк ташишнинг бир қанча илғор усуллари жорий этилди. Дизель двигателли автомобилларда юк ташиш салмоғи ортди.

**Қурилишда янги** конструкцияларни, самарали материалларни кенгроқ қўлланиш, илғор технологияни жорий этиш асосида техникавий даража янада оширилди. Тўла йиғма қурилиш ҳажми 2,3 процент кўпайди.

Шу билан бирга ишлаб чиқаришда янги техника ва технология етарли суръатлар билан ўзлаштирилмади. Кўпгина маҳсулотларнинг, шу жумладан халқ истеъмол молларининг техникавий даражаси ва сифати замонавий талаблардан орқада қолмоқда. Бир қанча министрликлар фан ва техникани ривожлантириш топшириқларини бажармадилар.

## II. САНОАТ

Маҳсулот **реализация қилиш** йиллик плани 100,3 процент бажарилди. Маҳсулотнинг кўпгина энг муҳим турларини ишлаб чиқариш топшириқларидан ўзиб кетилди.

**Саноат маҳсулотининг умумий ҳажми** 1984 йилга нисбатан планда кўзда тутилганидек, 3,9 процент кўпайди. Шу билан бирга йилнинг иккинчи ярмида ишлаб чиқаришнинг 4,6 процент ўсиши таъминланди, бу эса йилнинг биринчи ярмидагидан бир ярим баравар ортиқдир.

Айрим тармоқларга доир маълумотлар қуйида келтирилади:

| | 1985 йилда ишлаб чиқариш ҳажми 1984 йилга нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|
| Оғир саноат | 105 |
| Шу жумладан: | |
| машинасозлик комплекси | 107 |
| Конструкцион материаллар ишлаб чиқарувчи тармоқлар | 103 |
| Шундан: | |
| қора ва рангли металлургия | 102 |
| Химия ва нефть химияси саноати | 105 |
| Ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати | 103 |
| Бинокорлик материаллари саноати | 102 |
| Ёқилғи-энергетика комплекси | 101 |
| Шундан: | |
| Электр энергетика | 104 |
| Ёқилғи саноати | 100,1 |
| Енгил саноат | 102 |
| Агросаноат комплексига кирувчи қайта ишлаш тармоқлари | 102 |
| Шундан: | |
| Озиқ-овқат саноати | 101 |
| Гўшт-сут саноати | 103 |
| Балиқ саноати | 104 |

Машинасозлик, ёқилғи-энергетика комплекси составида эса—атом электр энергетикаси билан газ саноати бирмунча кўпроқ ўсишга эришди. Маданий-маиший ва рўзғор моллари ишлаб чиқариш 1984 йилга нисбатан 6 процент кўпайди.

Саян, Жанубий Якутия, Павлодар-Экибастуз территориал ишлаб чиқариш комплексларининг ва Курск магнит аномалияси зонасининг индустриал қудрати жадал ривожланди.

Саноатдаги **меҳнат унумдорлиги** 3,5 процент ўсди, ишлаб чиқаришни ўстиришнинг 90 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

Умуман саноатда ва кўпчилик министрликларда меҳнат унумдорлигининг ўсиши ўртача иш ҳақининг ошишидан илдамроқ борди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархи ва унга ишлатиладиган материал камайди, фойда кўпайди.

**Министрликлар бўйича** саноат маҳсулоти реализация қилиш плани қандай бажарилганлиги, ишлаб чиқаришнинг ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

| Умумиттифоқ ва иттифоқ — республика министрликлари ҳамда идоралари | Маҳсулотни реализация қилиш йиллик планининг бажарилиш проценти | 1985 йилда 1984 йилга нисбатан процент ҳисобида: ишлаб чиқариш ҳажми | 1985 йилда 1984 йилга нисбатан процент ҳисобида: меҳнат унумдорлиги |
|---|---|---|---|
| Энергетика ва электрлаштириш | 101 | 104 | 102 |
| Нефть саноати | 96 | 97 | 94 |
| Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати | 98 | 100,4 | 100,3 |
| Газ саноати | 100,6 | 110 | 107 |
| Кўмир саноати | 101 | 102 | 102 |
| Қора металлургия | 99,3 | 102 | 102 |
| Рангли металлургия | 100,7 | 103 | 103 |
| Химия саноати | 99,3 | 104 | 104 |
| Минерал ўғит ишлаб чиқариш | 98 | 107 | 104 |
| Энергетика машинасозлиги | 102 | 108 | 108 |
| Оғир ва транспорт машинасозлиги | 101 | 105 | 106 |
| Электр техника саноати | 102 | 105 | 107 |
| Химия ва нефть машинасозлиги | 102 | 107 | 107 |
| Станоксозлик ва асбобсозлик саноати | 101 | 107 | 106 |
| Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари | 102 | 105 | 107 |
| Автомобиль саноати | 102 | 105 | 105 |
| Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги | 102 | 106 | 106 |
| Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги | 102 | 110 | 110 |
| Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги | 102 | 105 | 106 |
| Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда рўзғор асбоблари | 100,6 | 107 | 107 |
| Ўрмон ,целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати | 99 | 103 | 104 |
| Бинокорлик материаллари саноати | 99 | 102 | 102 |
| Енгил саноат | 99,8 | 102 | 103 |
| Давлат агросаноат комитети | 100,3 | 103 | 102 |
| Балиқ хўжалиги | 103 | 104 | 103 |
| Дон маҳсулотлари | 103 | 104 | 103 |
| Медицина ва микробиология саноати | 100 | 108 | 107 |

Барча **иттифоқдош республикаларнинг** саноати янада ривож топди. Маҳсулот реализация қилиш планининг бажарилиши ва ўсиш суръатлари қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди (иттифоқ қарамоғидаги саноат ҳам шу жумлага киради):

| | Маҳсулотни реализация қилиш йиллик планининг бажарилиш проценти | 1985 йилда 1984 йилга нисбатан процент ҳисобида: ишлаб чиқариш ҳажми | 1985 йилда 1984 йилга нисбатан процент ҳисобида: меҳнат унумдорлиги |
|---|---|---|---|
| РСФСР | 100,4 | 103,6 | 103,5 |
| Украина ССР | 100,1 | 103,2 | 103,0 |
| Белоруссия ССР | 102 | 106,2 | 105,2 |
| Ўзбекистон ССР | 99,7 | 107,3 | 104,5 |
| Қозоғистон ССР | 100,1 | 104,5 | 103,1 |
| Грузия ССР | 99,5 | 107,0 | 105,4 |
| Озарбайжон ССР | 100,5 | 105,6 | 104,1 |
| Литва ССР | 102 | 104,0 | 103,4 |
| Молдавия ССР | 100,5 | 100,7 | 99,3 |
| Латвия ССР | 102 | 103,3 | 103,6 |
| Қирғизистон ССР | 101 | 103,7 | 102,9 |
| Тожикистон ССР | 101 | 104,3 | 101,6 |
| Арманистон ССР | 100,9 | 106,6 | 104,0 |
| Туркманистон ССР | 100,7 | 102,0 | 100,7 |
| Эстония ССР | 102 | 102,3 | 102,8 |

1985 йилда бир қанча саноат министрликларининг 2,3 мингта ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхонаси хўжалик юритишнинг янги шароитларида ишлади. Уларнинг кўпчилигида шартномавий интизом яхшиланди. Белоруссия ССР, Литва ССР ва Латвия ССР енгил саноат бирлашмалари ҳамда корхоналари, Белоруссия ССР, Латвия ССР ва Эстония ССР озиқ-овқат саноати, Белоруссия ССР гўшт ва сут саноати, Литва ССР маҳаллий саноат бирлашмалари ва корхоналари шартномавий мажбуриятларни тўла ҳажмда бажардилар.

Умуман мамлакатда **маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:**

| | 1985 йилда ишлаб чиқарилди | 1985 йилда 1984 йилга нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|
| Электр энергия, миллиард киловатт-соат | 1.545 | 104 |
| Нефть (газ конденсати ҳам шу ҳисобга киради), миллион тонна | 595 | 97 |
| Газ, миллиард куб метр | 643 | 109 |
| Кўмир, миллион тонна | 726 | 102 |
| Пўлат, миллион тонна | 155 | 100,2 |
| Қора металлар прокати (тайёри), миллион тонна | 108 | 100,7 |
| Пўлат қувурлар, миллион тонна | 19,3 | 102 |
| Темир руда, миллион тонна | 248 | 100,2 |
| Минерал ўғит (озиқ моддалари 100 процентга айлантириб ҳисоблаганда), миллион тонна | 33,2 | 108 |
| Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари (шартли бирликларда), минг тонна | 595 | 103 |
| Каустик сода, миллион тонна | 3,1 | 103 |
| Олтингугурт кислотаси, миллион тонна | 26,0 | 103 |
| Синтетик смола ва пластмассалар, миллион тонна | 5,0 | 104 |
| Химиявий тола ва иплар, миллион тонна | 1,4 | 99,5 |
| Автопокришкалар ,миллион дона | 65,2 | 102 |
| Синтетик ювиш воситалари, миллион тонна | 1,2 | 105 |
| Турбиналар, миллион киловатт | 21,6 | 101 |
| Турбиналарнинг генераторлари, миллион киловатт | 13,3 | 97 |
| Ўзгарувчан ток электр моторлари, миллион киловатт | 54,7 | 102 |
| Металл қирқиш станоклари, миллион сўмлик | 2674 | 112 |
| Шу жумладан рақамли программа асосида бошқариладиган станоклар | 1068 | 136 |
| Темирчилик-пресс машиналари, миллион сўмлик | 662 | 100, |
| Программа асосида бошқариладиган автомат манипуляторлар (саноат роботлари), минг дона | 15,2 | 107 |
| Автоматлаштириш приборлари, воситалари ва уларнинг запас қисмлари, миллиард сўмлик | 4,8 | 105 |
| Ҳисоблаш техникаси воситалари ва уларнинг запас қисмлари, миллиард сўмлик | 4,2 | 113 |
| Нефть аппаратлари, миллион сўмлик | 229 | 109 |
| Химия асбоб-ускуналари ва уларнинг запас қисмлари, миллион сўмлик | 936 | 110 |
| Енгил ва озиқ-овқат саноати учун технология машина-ускуналари ва уларнинг запас қисмлари, миллиард сўмлик | 1,7 | 105 |
| Тракторлар, миллион от кучи ҳисобида | 52,8 | 104 |
| Қишлоқ хўжалик машиналари, миллиард сўмлик | 3,7 | 104 |
| Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машиналари ҳамда ускуналари, миллиард сўмлик | 2,9 | 110 |
| Комбайнлар, минг дона: | | |
| дон комбайнлари | 112 | 95 |
| Маккажўхори комбайнлари | 2,5 | 108 |
| Пахта териш машиналари, минг дона | 9,4 | .93 |
| Экскаваторлар, минг дона | 42,6 | 102 |
| Иморатбоп ёғоч (колхозлар тайёрлагани бу ҳисобга кирмайди), миллион зич куб метр | 277 | 99,2 |
| Қоғоз, миллион тонна | 6,0 | 102 |
| Шу жумладан газетабоп қоғоз, миллиард квадрат метр | 33,3 | 104 |
| Цемент, миллион тонна | 131 | 100,7 |
| Йиғма темир-бетон, миллион куб метр | 135 | 102 |
| Ҳамма турдаги газламалар, миллиард квадрат метр | 12,1 | 102 |
| Тикувчилик буюмлари, миллиард сўмлик | 26,1 | 104 |
| Ички ва устки трикотаж, миллиард дона | 1,7 | 103 |
| Пойабзал, миллион жуфт | 787 | 103 |
| Соат, миллион дона | 67,2 | 100,2 |
| Чинни-фаянс ва майолика идиш-товоқлар, миллион сўмлик | 930 | 104 |
| Навли идиш-товоқлар (шиша ва биллур) миллиард сўмлик | 1,2 | 93 |
| Радиоприемник қурилмалар, миллион дона | 8,8 | 94 |
| Телевизорлар, миллион дона | 9,4 | 104 |
| шу жумладан рангли тасвирли телевизорлар | 4,0 | 112 |
| Холодильник ва морозильниклар, миллион дона | 5,9 | 103 |
| шу жумладан, камерасининг сиғими 200 куб дециметр ва ундан ортиқ холодильниклар | 3,3 | 112 |
| Кир ювиш машиналари, миллион дона | 5,1 | 112 |
| Енгил автомобиллар, миллион дона | 1,3 | 100,4 |
| Мотоцикль ва мотороллерлар, миллион дона | 1,1 | 99,8 |
| Мебель, миллиард сўмлик | 7,9 | 106 |

Газ, кўмир, металл рудалар қазиб олиш, бир қанча рангли металлар, автопокришкалар, металл қирқиш станоклари, саноат роботлари, приборлар, автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси воситалари, автомобиллар, тракторлар, дон комбайнлари, пахта териш ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш плани бажарилди.

Халқ истеъмол қиладиган кўпчилик моллар ишлаб чиқариш топшириғи ошириб бажарилди. Пландан ташқари 1,6 миллион дона ички ва устки трикотаж, 130 мингта холодильник, 47 мингта кир ювиш машинаси, 170 миллион сўмлик мебель ва бошқа кўпгина махсулотлар ишлаб чиқарилди.

Нефть қазиб олиш ва уни дастлабки қайта ишлаш, қора металларнинг тайёр прокати, минерал ўғит, синтетик смола ва пластмассалар, химиявий тола ва иплар, темирчилик пресс машиналари, химия асбоб-ускуналари, нефть аппаратлари, иморатбоп ёғоч, цемент, йиғма темир-бетон, телевизорлар, айрим турдаги газламалар ишлаб чиқариш плани бажарилмади.

Шартномавий мажбуриятлар тўла-тўкис бажарилмади. Маҳсулот етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятларни бажаришда Химия саноати, Минерал ўғит ишлаб чиқариш, Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрликларининг бирлашма ҳамда корхоналари анчагина қолоқликка йўл қўйдилар.

Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси, Кўмир, Химия саноати, Қора металлургия, Минерал ўғит ишлаб чиқариш, Бинокорлик материаллари саноати, Енгил саноат министрликлари меҳнат унумдорлигини планга мувофиқ ўстиришни таъминламадилар.

Бир қанча министрлик ва идораларнинг корхона ҳамда бирлашмалари ишлаб чиқариш қувватларидан тўла-тўкис фойдаланмадилар, моддий ресурсларни тежаш, таннархни камайтириш, жамғарма олиш топшириқлари ҳамда социалистик мажбуриятларини бажармадилар, бир маромда ишламадилар, паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқардилар. Иккиламчи моддий ресурслардан фойдаланишда катта камчиликлар бор.

## III. АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ

Агросаноат комплекси тармоқларининг ходимлари бир қанча турдаги қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштиришни ва озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришни кўпайтирдилар.

1985 йилда давлат ресурсларига топширилган дон мамлакат аҳолисини нон ва нон маҳсулотлари билан тўла-тўкис таъминлаш имконини беради.

Бултур 82 миллион тонна саноатбоп қанд лавлаги, 8,75 миллион тонна пахта, 5,23 миллион тонна кунгабоқар, 73 миллион тонна картошка, 28 миллион тонна сабзавот, 10,4 миллион тонна мева ҳосили олинди. Дағал ва ширали ем-хашак тайёрлаш плани бажарилди, бу эса чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришни таъминлаш имконини беради.

1986 йил ҳосили учун 32,8 миллион гектар ерга кузги ғалла экилди, 106,9 миллион гектар ер шудгор қилинди. Колхоз ва совхозларда баҳори экинларнинг уруғлик фондлари тўла-тўкис ғамлаб қўйилди, уруғликнинг кўп қисми экиладиган кондицияларга етказилди. Ремонт корхоналари қишлоқ хўжалик техникасини кўкламги экишга шайлаб қўймоқдалар.

**Чорвачилик** янада ривожлантирилди. Ҳамма категориялардаги **хўжаликларда** бу тармоқ маҳсулотларини етиштиришга оид **маълумотлар қуйидагилардан иборат:**

| | 1984 й. | 1985 й. |
|---|---|---|
| Гўшт (сўйилган вазнда), миллион тонна | 17,0 | 17,1 |
| Сут, миллион тонна | 97,9 | 98,2 |
| Тухум, миллиард дона | 76,5 | 77,0 |
| Жун (ҳақиқий вазнда), минг тонна | 465 | 442 |

Чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга асосан чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Жамоат хўжаликларида ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут ўрта ҳисобда 52 килограмм кўпайди, қорамол ва чўчқаларнинг ўртача суткалик семириши 2 процент ошди.

Ҳамма категориядаги хўжаликларда **маҳсулдор чорва туёғи** қуйидагича бўлди (миллион бош ҳисобида):

| | 1985 й. 1 январигача. | 1986 й. 1 январигача. |
|---|---|---|
| Қорамол | 121,0 | 120,7 |
| Шу жумладан сигирлар | 43,6 | 42,8 |
| Чўчқалар | 77,9 | 77,6 |
| Қўй ва эчкилар | 149,2 | 146,5 |

Ҳамма категориядаги хўжаликларда **чорвачилик маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш** қуйидагича бўлди:

| | 1984 й. | 1985 й. |
|---|---|---|
| Чорва ва парранда, миллион тонна тирик вазнда | 18,2 | 18,4 |
| Сўйилган вазнда | 11,5 | 11,7 |
| Сут, миллион тонна | 66,2 | 68,1 |
| Тухум, миллиард дона | 49,5 | 50,7 |
| Жун (соф толага айлантирилгани), минг тонна | 239,9 | 242,9 |

1984 йилга нисбатан давлат йўли билан чорва моллар ва парранда, жун харид қилиш бир процент, сут харид қилиш 3 процент, тухум харид қилиш 2 процент кўпайди. Чорва моллар, парранда, сут, тухум ва жун харид қилиш планлари ошириб бажарилди.

Колхоз ва совхозларда бригада пудратидан фойдаланиш негизида меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштириш давом эттирилди, хўжалик ҳисоби жорий қилинди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг асосий турларини етиштириш рентабеллиги ошди. 1985 йилда колхоз ва совхозларнинг бутун фаолиятидаги фойда аввалги йилга нисбатан 7 процент кўпайиб, 21 миллиард сўмга етди.

Агросаноат комплекси **озиқ-овқат тармоқлари** ходимлари озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш юзасидан планлаштирилган ҳажмларни асосан таъминладилар.

| | 1984 й. Ишлаб чиқарилди. | 1985 й. Ишлаб чиқарилди. |
|---|---|---|
| Гўшт (саноатда ишлаб чиқарилгани) миллион тонна | 10,7 | 10,8 |
| Колбаса маҳсулотлари, миллион тонна | 3,3 | 3,4 |
| Овқатга ишлатиладиган балиқ маҳсулотлари, балиқ консервалари билан бирга, миллиард сўм | 7,0 | 7,3 |
| Мол ёғи, миллион тонна | 1,5 | 1,5 |
| Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари сутга айлантириб ҳисоблаганда, миллион тонна | 28,6 | 29,8 |
| Маргарин маҳсулоти, миллион тонна | 1,4 | 1,4 |
| Қанд-шакар, миллион тонна | 12,5 | 11,8 |
| Ўсимлик ёғи, миллион тонна | 2,7 | 2,5 |
| Кондитер маҳсулотлари, миллион тонна | 4,2 | 4,3 |
| Табиий чой, минг тонна | 250 | 259 |
| Консервалар, миллиард шартли банка | 17,2 | 18,0 |
| Шу жумладан, мева-сабзавот консервалари | 12,0 | 12,4 |
| Мева шарбати, миллиард шартли банка | 2,4 | 2,6 |
| Минерал сувлар, миллиард шиша | 2,6 | 2,6 |
| Алкоголсиз ичимликлар, миллион декалитр | 357 | 383 |

СССР давлат агросаноати бирлашмалари ва корхоналари саноат маҳсулотини реализация қилиш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича топшириқларни ошириб адо этдилар.

